

Таким образом, управление качеством образования необходимо на всех уровнях, но наиболее важно и, следовательно, наиболее разработано в настоящее время управление качеством основных образовательных программ. Особенностью современных процедур управления качеством образовательных программ является их ориентированность на результат обучения. Поэтому едва ли не важнейшим элементом системы качества в образовании является корректное определение целей (*качество целей*) и *качество оценки* их достижения с помощью корректных методов (*качество результата*). Кроме того, при разработке системы качества необходимо обеспечить качество условий и качество процессов.

### **Список литературы**

ENQA - <http://www.enqa.eu/>

EQAR - European Quality Assurance Register in Higher Education - <http://www.eqar.eu/>

EUA - <http://www.eua.be/index.php>

Framework for Qualifications of the European Higher Education Area -

<http://www.bologna-bergen2005.no/Docs/00Main doc/050218 QF EHEA.pdf>

Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area - <http://www.bologna-bergen2005.no/Docs/00->

[Main doc/050221 ENQA report.pdf](http://www.bologna-bergen2005.no/Docs/00-Main doc/050221 ENQA report.pdf)

### **ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ЎРГАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЖРИБАЛАРИ**

**Лутфуллаев П.М.**

Мақолада Наманган давлат университетида олиб борилаётган чет тилларни ўқитиш ва ўрганишни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, бажарилаётган ишлар муҳокама этилган. Профессор-ўқитувчиларнинг хорижий давлатларда педагогик тажрибаларини ошириш ишлари таҳлил этилган. Эришилган тажрибалар ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* чет тиллар, хорижий ОТМлар, стажировка, илмий ва академик семинар, ўқув курслари, хорижий мутахассис, илгор метод, илгор тажриба

### **ОПЫТ НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА В РАЗВИТИИ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**Лутфуллаев П.М.**

В статье обсуждены меры и выполняемые работы, которые направлены на развитие преподавания и обучения иностранных языков в Наманганском государственном университете. Анализированы меры связанные с заграничным обучением и стажировками профессорско-учительского состава. Представлены достижения и полученный ценный опыт.

*Ключевые слова:* иностранные языки, заграничные ВУЗы, стажировка, научный и академический семинар, учебные курсы, иностранный специалист, передовой метод, передовые знания и опыт.

## **PRACTICES OF NAMANGAN STATE UNIVERSITY IN IMPROVING THE TEACHING AND LEARNING OF FOREIGN LANGUAGES**

**Lutfullayev P.M.**

In this article the ongoing activities and measures, accomplished tasks which are oriented to improve the teaching and learning the foreign languages at Namangan State University are discussed. The teaching staffs' participation in international internships and training courses are analyzed. The achieved good practices are enlightened.

*Keywords:* foreign languages, foreign HEIs, internships, scientific and academic seminar, training courses, foreign specialist, advanced methods, best practices.

Хорижий тилларни ўрганиш ва уни ўқитишни такомиллаштириш ҳозирги кунда Республика таълим тизимидаги энг шиддатли жараёнлардан бири эканлиги барчага аён. Айниқса, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Бу вазифаларни бажаришда ОТМлардаги филологик йўналишлар талаба ва профессор-ўқитувчиларига жиддий топшириқлар юкланган. Хусусан, инглиз тилида тинглаб тушиниш, оғзаки нутқ ва ёзма нутқ кўникмаларини ривожлантириш бўйича тинимсиз ишлар олиб борилмоқда. Биргина Наманган давлат университетининг (кейинги ўринларда НамДУ) филология факультетида охириги 4 йил ичида бир қатор ишлар амалга оширилган ва тажриба тўпланган.

**Биринчидан,** мунтазам равишда илмий семинар ва тренинглар ташкил этилмоқда. Биргина 2013 йилда Британия Консуллиги вакиллари иштирокида 2 марта, норвегиялик мутахассислар томонидан 1 марта, АҚШ элчихонаси вакиллари томонидан 1 марта тренинглар ташкил этилган. Ундан кейинги йилларда эса ташкил этилган семинар тренинглар сони 15 тага етди. Британия Консуллиги томонидан молиялаштирилаётган PRESETT лойиҳаси доирасида 12 нафар Инглиз тили йўналишидаги профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда ва улар режа асосида ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказида (кейинги ўринларда марказ) семинарларда иштирок этиб қайтдилар. Ушбу марказ Британия Консуллиги ва UzTEA билан ҳамкорликда вақти-вақти билан бир кунлик амалий семинарларни ташкил этиб келади ва уларда НамДУ вакиллари фаол қатнашмоқдалар. Айниқса, янги авлод дарсликларини яратиш бўйича талайгина ишлар қилинди. Масалан, Марказ ва АҚШ элчихонаси ҳамкорликда “Academic writing” лойиҳасида, Британия Кенгаши ва Марказ ҳамкорлигида “Нофилологик йўналишлар учун инглиз тили билимларини баҳолаш ва ўқитиш тизими модернизациялаш” мавзусидаги лойиҳада НамДУнинг инглиз тили ва адабиёти кафедрасидан Н.Жамолиддинова,

М.Кўкибоева, М.Алимова, Я.Кучкарова, Х.Мухаммадиева, Ё.Назарова, Д.Саримсақова, Қ.Сидиков, П.Лутфуллаев, Ғ.Тожибоев каби ўқитувчилари фаол қатнашмоқдалар. Ташкил этилаётган анжуманларда эса вакилларимиз ўзларининг таҳлилий мақолалари ва тезислари билан қатнашмоқдалар. Масалан, 2015 йилнинг 9-10 декабрь кунлари "Мутахассисларнинг инглиз тилидан билим даражаларини баҳолаш амалиёти ва мезонлари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда, 2015 йилнинг 17-18 декабр кунлари "Хорижий тилларни ўқитишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш" мавзусидаги илмий-амалий анжуманида, 2016 йилнинг 10 июнь куни ЎзДЖТУда ўтказилган "Чет тилларни ўқитишнинг истиқболи" мавзусидаги анжуманида НамДУ вакиллари фаол қатнашдилар.

2014 йилдан бошлаб эса НамДУда ҳар йилги анъанавий "Тиллар ҳамдўстлиги - маданиятлар ҳамдўстлиги" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш жорий этилган. Масалан: 2014, 2015, 2016 йиллари шу мавзудаги конференция бўлиб ўтди ва жами мингга яқин иштирокчи ўзининг илмий мақолалари, тезислари ва тақдимотлари билан қатнашди. Конференция давомида тил ўрганиш ва ўқитишга доир бир қанча мавзуларда қизғин баҳс ва мунозаралар ўтказилди. Ушбу конференцияга Республикаимизнинг турли вилоятларидан вакиллар иштирок этдилар. Шу билан бирга маҳаллий коллеж, академик лицей ва ўрта мактаблардан ўқитувчилар фаол қатнашдилар.

Немис тили кафедраси вакиллари ҳам халқаро ва республика миқёсидаги тадбирларда мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Масалан, 2013 йилнинг 5-17 август кунлари СамДЧТИ ва Германия элчихонаси ҳамкорликда ўтказилган немис тилини интенсив ўрганиш ёзги ўқув курсида, 2014 йилнинг 14-15 феврал кунлари ЎзМУ ва Германия элчихонаси ҳамкорликда ўтказилган "Немис тилининг тил вариациялари" мавзусидаги семинарида, 2014 йилнинг 13-20 апрель кунлари СамДЧТИ ва Германия элчихонаси ҳамкорликда ўтказилган "Янги методика асосида немис тилини интенсив ўрганиш" мавзусидаги семинарда, 2014 йилнинг 1-10 сентябр кунлари ЎзМУ ва Германия элчихонаси ҳамкорликда ўтказилган "Немис тилида мамлакатшунослик фанини ўқитиш тажрибалари" ўқув семинарида, 2014 йилнинг 22-30 сентябр кунлари Гёте интитуту томонидан ташкил этилган "Таржимонлик маҳорати" мавзусидаги семинарларида НамДУ вакиллари иштрок этган.

Ҳозирги кунда НамДУда Германиянинг 5 та ОТМлари билан айнан чет тилларни ривожлантириш масалалари бўйича илмий ва академик ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар билан ҳамкорлик битимлари ва меморандумлар имзоланган. Охирги 5 йил ичида НамДУнинг 40 нафар профессор-ўқитувчилари ва талабалари Германиянинг нуфузли ОТМларида стажировкалар ва ўқув курсларида иштирок этиб қайтдилар. НамДУнинг немис тили йўналишида айни пайтда 68 та талаба таҳсил олади. 500 га яқин талаба немис тилини иккинчи чет тили сифатида, 1500 га яқин талаба эса немис тилини биринчи чет тили сифатида ўрганади. Шу туфайли немис тили ўқитиш

ва ўрганишга доир режалар ишлаб чиқилган. Бу режаларни амалга оширишда 2016 йилнинг 25 апрел куни НамДУга ташриф буюрган Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Неитхарт Хўфер-Виссинг (Neithart Höfer-Wissing) ҳам элчихона томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлашнишни билдирган.

**Иккинчидан**, чет тилларни ўқитишда хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунда АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик ишларининг барчаси Вазирликнинг 12.10.2015 даги 87-04-101-хфусонли хатига асосан Ўзбекистон-АҚШ таълими ҳамкорлик дастури (Uzbekistan-U.S. Education Action Plan 2015-2016) доирасида амалга оширилмоқда. Охириги 3 йил ичида АҚШлик мутахассислардан Дж.Улер, Лаура Тревис, Жон Скакко каби мутахассислар НамДУга бир неча бор ташриф буюрган ва инглиз тили йўналишидаги профессор-ўқитувчилари билан учрашувлар ўтказган. Учрашувлар мобайнида инглиз тилини замон талаби асосида ўқитишга доир тўпланиб қолган масалалар, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришдаги юзага келаётган муаммолар бўйича қизғин баҳс ва мунозаралар ўтказилди. НамДУ ва АҚШ элчихонаси ҳамкорлиги натижасида RELO (Regional English Language office) дастури доирасида НамДУда АҚШлик Инглиз тили мутахассиси Александра Барет (Alexander Barrett) ўқитувчилик фаолиятини бошлаган. У Инглиз тили ва адабиёти кафедрасига бириктирилган бўлиб, 2015 йилнинг август ойидан 2017 йилнинг август ойигача бўлган муддатгача бўлиши белгиланган. Александра Барет асосан II-босқич бакалавр йўналиши талабаларига “Оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти” фанидан дарс бериб келмоқда. Бу босқичда жами 183 та талаба таҳсил олади ва улар 13 та гуруҳдан иборат. Бундан ташқари ўқитувчилар учун “Innovative teaching methodologies” ва талабалар учун “Speaking club” мавзуларидаги дарсдан сўнгги машғулотларни ҳам мунтазам олиб бормоқда. АҚШлик мутахассиснинг дарс олиб бориши учун барча қулай шароитлар яратилган. Наманган шаҳрида яшаши ва бошқа ташкилий масалалар яхши ташкил этилган. Ҳар бир дарс машғулотида, асосан, 12-17 нафаргача талабалар қатнашадилар. Дарслар интерактив методларга бой, ноанъанавий тарзда ўтказилади. Талабалар жуда фаол қатнашмоқдалар. Айниқса талабаларда ўзбек удум ва анъаналари, маданияти, адабиётини инглиз тилида равон ва мулоҳаза билан сўзлаб бериш, уларни бадиий тарзда таҳлил этиш каби мураккаб кўникмалар тобора шаклланиб бормоқда. Тил ўрганишда бундай кўникмаларни миллий сўзлашувчи (native speaker) иштирокисиз амалга ошириш қийин ҳисобланади. Талабаларда оригинал тилда ёзув кўникмалари ҳам тобора шаклланиб бормоқда. Бу эса содда, анъанавий гап тузиш тажрибаларидан секин-аста профессионал даражада гапларни тузиш ва уларни академик тарзда қоғозга тушириш каби ўта муҳим бўлган тажрибаларнинг талабаларда шаклланаётгани яққол сезилмоқда. Бундай мураккаб кўникмалар билан қуролланган талаба-ёшлар эртанги куннинг етук ва тажрибали мутахассислари бўлиб етишиб чиқишига, нафақат вилоят миқёсида балки мамлакат миқёсидаги тараққиёт учун хизмат қилишига шубҳа йўқ. А.Баретни вилоятидаги хорижий тилларга ихтисослашган академик-лицей,

коллежлар ва ўрта мактаблардаги ўқитувчиларини ҳам бир кунлик семинарларга таклиф қилиб туради. Бундай семинарлар давомида АҚШлик мутахассис тажрибаларини университетдан ташқаридаги бошқа ўқитувчиларга ҳам ўргатиш имконияти пайдо бўлмоқда.

НамДУда корейс тилини ўқитиш бўйича КОИСА ташкилоти билан келишув мавжуд. Бу келишув асосида Филология факультети қошида Корейс тили маркази ташкил этилган. Икки нафар корейлик мутахассислар доимий фаолият олиб бормоқдалар. Улардан бири корейс тилидан дарс берса, иккинчиси информацион технологиялардан тренинглар ўтказади. Дарслар факультетив тарзда амалга оширилади. Машғулотларда жами 100 дан ортиқ НамДУ талабалари қатнашиб келмоқдалар. Охирги 5 йил ичида 6 нафар талабалар КОИСА грантлари асосида Ж.Корейнинг Сейжонг, Инчон, Сувон каби университетларида ёзги ўқув курсларида қатнашдилар. Олинган маълумотларга қараганда НамДУ талаба ва ўқитувчилари орасида корейс тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ошмоқда.

**Учинчидан**, профессор-ўқитувчиларни нуфузли хорижий ОТМларга малака оширишга юбориш бўйича ҳам мунтазам ишлар қилинмоқда. 2013-2016 йиллар давомида чет тиллар соҳаси бўйича жами 51 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий ОТМларда стажировка ва семинарларда қатнашиб қайтдилар. Бунда Норвегиянинг Осло Акерхус амалий фанлар университет-коллежи билан академик алоқаларни йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Академик алоқаларда асосий эътибор тил, таржима ва маданиятлараро мулоқотга қаратилган ва лойиҳалар "Норвегия олий таълимида халқаро ҳамкорлик маркази" ташкилоти томонидан молиялаштирилган. Лойиҳаларнинг асосий мақсади НамДУ профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун семинар-тренинглар ташкил этишдан иборат. Чет тилларни ўқитиш ва ўрганишда маданиятлараро мулоқотнинг ўрни ва таржимашунослик ишлари бўйича Норвегия тажрибалари ўрганилди. Чет тилларни ўқитишда таржимашунослик ва маданиятлараро мулоқот кўникмаларининг долзарблиги, оғзаки нутқ ва таржимадаги трансформацион маъноларнинг маданият ва кадриятлар билан боғлиқлигини маъруза ва амалий семинарлар давомида ўргатилди. Шу билан бирга НамДУнинг 10 нафар талаба ва ўқитувчилари 2013 йилда, яна 11 нафар ўқитувчилари 2015 йилда Ослода бўлиб ўтган семинарларда муваффақиятли иштирок этишди. Семинарлар давомида таржимашунослик, маданиятлараро мулоқот масалалари, турфа миллатли ва турфа маданиятли таълим муҳитида ўқитувчининг роли, таълим менежменти, мактаб таълими, мактабгача таълим каби мавзулар доирасида дарслар ташкил этилди. Норвегиядаги Осло университети, ўрта мактаблар, мактабгача таълим муассасаларига ҳам ташрифлар уюштирилди. Ўзаро мулоқотлар давомида шу нарса аён бўлдики, таълим жараёнида турфа миллатли ёки турфа маданиятли синф шароитида ўқитувчи зиммасига жуда катта масъулият юкланади. Бу ҳолатда, ўқитувчининг маҳорати, қобилияти, билим савияси, дунёқарашининг кенглиги катта роль ўйнайди. Зарур ҳолларда ҳар бир талаба ёки ўқувчига индивидуал тарзда ёндошиш, уларни фикрини диққат билан тинглаш, эркин

фикр билдиришига имкон яратиш каби вазифаларни ўқитувчи уддалаши керак. Бу эса талаба ва ўқувчида дарсларни тўлиқ ўзлаштиришга, ўз дунёқараши ва тарбиясининг шаклланишига олиб келади. Айниқса, тил ўқитишда маданият масаласи катта аҳамият касб этади. Албатта тил бевосита маданият билан боғлиқ. Норвегияга қилинган сафар давомида бу мамлакат жуда ҳам кўп миллатли ва кўп маданиятли эканлиги аён бўлди. Бундай жамиятда таълим тизимидаги педагог ходимларга катта масъулиятлар юкланади. Мактаб ёки таълим муассасалари кўп миллатли ёшларни ахилликка, тотувликка, ўзаро хурмат ва иззат қилишга, дўстликка етакловчи даргоҳга айланиши зарур бўлади.

Инглиз тили йўналиши ўқитувчиларининг малакасини оширишда Малайзия техник ҳамкорлик дастури (МТСП) доирасида ташкил этилаётган ўқув курслари муҳим касб этади. 2012-2016 йиллар орасида жами 14 нафар инглиз тили ўқитувчилари Малайзияда бўлиб қайтдилар. Улар асосан, Малайзиядаги чет тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш халқаро институтида (Institute of Teacher Education International Languages Campus), Малайзиянинг Инглиз тилини ўқитиш марказида (English Language Teaching Centre) бўлиб ўтган қисқа ўқув курсларида қатнашдилар. Ўқув курсларининг асосий мавзулари Инглиз тилини замонавий услубда ўқитиш, мобил дарс дизайни, ижтимоий тармоқлар орқали ўқитиш, онлайн дарс жараёнини яратиш, баҳолаш методлари каби йўналишларга алоқадор бўлган. Юқоридаги Малайзия ўқув юртли билан НамДУ ўртасида доимий алоқалар мавжуд ва йилига 3-4 нафар ўқитувчиларни малака ошириш учун юбориш анъанага айланган.

АҚШ давлат департаментининг IVLP (International Visitor Leadership Program) дастурида ҳам НамДУнинг Инглиз тили ўқитувчилари фаол қатнашмоқдалар. Масалан, катта ўқитувчи М.Алимова 2012 йилда, п.ф.н.С.Мисиров эса 2014 йилда 6 ҳафталик стражировкада бўлиб қайтишди. Вашингтон, Висконсин, Аризона, Шимолий Каролина, Филадельфия каби штатлардаги бир қанча ОТМлар, ўрта мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида Инглиз тилини ўқитишга доир тажрибалар билан яқиндан танишдилар.

Профессор-ўқитувчиларни нуфузли хорижий ОТМларга малака оширишга юбориш бўйича Немис тили кафедрасида бир қанча тадбирлар амалга оширилган. Масалан, 2015 йилнинг июн ойида НамДУнинг 7 нафар профессор-ўқитувчилари ЎзР Биринчи Президентининг ИСТЕЪДОД фонди гранти асосида Германиянинг Бременхафен университетида стражировкада бўлиб қайтишган. Стажировкада немис тилини ўқитишнинг долзарб муаммолари муҳокама этилган, ўқитишнинг инновацион методлари бўйича Германия тажрибаси ўрганилган, тил машғулотларини ташкил этишнинг илғор тажрибалари ўрганилган. Ушбу кафедрада Германиянинг Манйз университети билан ҳам ҳамкорлик меморандуми имзоланган. 2015 йилнинг Сентябр ойида ушбу университетдан 2 нафар профессор НамДУга ташриф буюрган ва

таржимашунослик масалалари бўйича талаба ва ўқитувчиларга тренинг ва семинарлар ташкил этилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, профессор-ўқитувчиларни малакасини мунтазам ошириб бориш, билим ва кўникмаларини ўстириб бориш, педагогик тажрибаларини ошириб боришда илмий-анжуманлар, семинарлар, ва хорижий давлатларда стажировкаларда иштирок этиши юқори самара бермоқда. Бу кўрсаткич НамДУнинг Инглиз тили йўналишидаги профессор-ўқитувчиларда 80 фоизни, немис тили йўналишидаги профессор-ўқитувчиларда 95 фоизни, француз тили йўналишида эса 50 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг учун тегишли кафедра ўқитувчилари билан халқаро алоқалар бўлими вакилларининг информацион учрашувларини ташкил этиб турилиши муҳим ҳисобланади. Хабарлар ва янгиликларни электрон почта ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳар бир кафедра аъзосига тезкор етказиб туриш йўлга қўйилган. Бу эса кафедра аъзоларининг ўз устида мунтазам ишлаши учун туртки бўлмоқда. Чунки чет тиллар соҳасидаги ўқитувчиларининг ўз устида мунтазам ишламаслиги академик салоҳиятни хатарга қўйиши билан баробар ҳисобланади. Бу ишларни амалга оширишда албатта Эрасмус+ дастурининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. НамДУ тажрибасида келиб бир қанча таклиф ва тавсияларни бериш мумкин. Биринчидан, хорижий тилларга иқтисослашган ОТМ факультетларида оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш бўйича аниқ стратегик режа ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бундай режада профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш тажрибаларини босқичма-босқич ривожлантириб бориш, республика ва хорижий илмий-амалий конференцияларда фаол қатнашувини таъминлаш, ички семинар ва тренинглар ташкил этиш, ўқув жараёнига тажрибали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни мунтазам таклиф этиш, иқтидорли талабалар билан алоҳида ишлаш каби ишлар акс этилиши лозим. Иккинчидан, хорижий адабиётлар билан ишлаш бўйича узлуксиз иш бориш тавсия этилади. Айниқса, талабаларда академик ёзувни шакллантиришга қаратилган, ўқитиш методларига оид бўлган, оғзаки нутқни ўстириш бўйича энг сўнгги хорижий адабиётлар билан ишлашни ташкил этиш тавсия этилади.

## **ЦЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫМИ ПРОЕКТАМИ В СФЕРЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

(Аналитический отчет по результатам анкетирования)

**Исакова Зебо Муродовна**

*В данной статье приведен анализ ценностей, проблемные области в управлении проектами. Также изучено влияние методов и практик управления проектами на улучшение показателей деятельности вуза.*

*Ключевые слова: ценности, управление проектами, методы, показатели, деятельность вузов*